

**Хонликлар ва Россия
истилоси даврида
Марказий Осиё
маданияти**

Режа:

1. Марказий Осиёда мустақил хонликларнинг вужудга келиши ва маданий аҳволи.
2. Марказий Осиё маданиятига рус ва дунё маданиятининг таъсири.

Ўрта Осиё хонликлари

Хива хонлиги

Бухоро амирлиги

Кўқон хонлиги

Хонлиги	Хонлигининг тарихи
Хива	Хонлигидан кийин тарикати таъминланадиган мавзуда
Бухоро	Хонлигидан кийин тарикати таъминланадиган мавзуда
Кўқон	Хонлигидан кийин тарикати таъминланадиган мавзуда
Джиззия	Хонлигидан кийин тарикати таъминланадиган мавзуда
Джиззия	Хонлигидан кийин тарикати таъминланадиган мавзуда
Джиззия	Хонлигидан кийин тарикати таъминланадиган мавзуда
Джиззия	Хонлигидан кийин тарикати таъминланадиган мавзуда
Джиззия	Хонлигидан кийин тарикати таъминланадиган мавзуда
Джиззия	Хонлигидан кийин тарикати таъминланадиган мавзуда
Джиззия	Хонлигидан кийин тарикати таъминланадиган мавзуда





Бухоро амирлиги

Бухоро амирлигининг майдони

200 минг кв. км. Чегараси жанубда
Амударёning сўл қирғозидан Сирдарёгача
чўзилиб қозоқ жузлари билан чегарадош.

Аҳолиси таҳминан 2 млн. (ўзбеклар,
туркманлар, қозоқ ва қирғизлар).

Пойтахти Бухорои Шариф.



Қўқон хонлиги

Қўқон хонлиги

Қўқон хонлиги шарқда Шарқий Туркистон, ғарбда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чегарадош.

Аҳолиси – тахминан 3 млн. (ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар ва қорақалпоқлар)дан иборат.

Пойтахти – Қўқон шаҳри.

A dark, atmospheric photograph of a mosque at dusk or night. In the center, a tall, slender minaret with horizontal stripes reaches upwards. Behind it are several large, rounded domes, one of which is a vibrant green. The foreground is mostly in shadow, showing the dark outlines of the building's architecture.

Хива хонлиги

Хива хонлиги

Худуди – тахминан 19 минг. кв. км.
Жанубда Эрон, шарқда Бухоро
амирлиги, ғарбда Касбий денгизи,
шимолда қозоқ жузлари билан
чегарадош.

Шаҳар иккига бўлинган:

1. Иchan қалъа – шаҳарнинг ички қисми.
 2. Дишон қалъа – шаҳарнинг ташқи қисми.
- Аҳолиси – туркманлар, ўзбеклар.



Хива хонининг
яқин
мулозимлари
(1878)

Музаффархон



Эмир Музаффар-хан

Саид Олимхон



Бухоро амирининг Россиядаги Элчихонаси



Маданияти:

Бухоро, Самарқанд, Хўжанд ва Тошкент йирик ҳунармандчилик марказлари сифатида шухрат қозонган. Бухоро хонлигига ички ва ташқи савдо йўлга қўйилган бўлиб, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Туркия ва б. мамлакатлар билан алоқалар ўрнатилган. Ҳонликнинг Россия билан элчилик ва савдо алоқалари ўсган эди. У хонлик учун тайёр маҳсулотлар бозори сифатида катта аҳамият касб этган. Маданият соҳаси бошқарув тизими ва ҳокимиятнинг ожизлиги орқасида у замон талабига монанд равишда ривожланмади. Ҳатто Амир Темур ва Темурийлар давридаги маданият ютуқлари барбод қилинди.

Маданияти:

Мадрасалар қурилди, лекин уларда, асосан, форс ва араб тиллари, диний таълимотлар ўқитилди. Дунёвий фанларга деярли аҳамият берилмади. Улуғбекнинг машҳур расадхонаси ер қаърига кўмилиб кетди. Кўпроқ диний ва тарихий асарлар ёзилди. Кўп шоирлар ҳам етишиб чиқди. Бу борада Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома», Камолиддин Бинойнинг ҳам шу номдаги асарларини курсатиш мумкин. Сўфи Оллоёр, Муҳаммад Балхий, Сайд Камол (Фитрат), Сайдо Насафий, Турди ва 100 дан ортиқ шоирлар ижод қилдилар. Бундан ташқари Мирза Содик Муншийнинг «Манғит ҳукмдорларининг тарихи», Махмуд бин Валийнинг «Баҳрул асрор фи маноқиб ал-ахйор», Муҳаммад Юсуфнинг «Тарихи Муқимхоний», Муҳаммад Аминнинг «Убайдулланома» ва б. асарлар ёзилди.

Маданияти:

16-17-асрларда Бухоро миниатюра мактаби қарор топган. 18-а. ўрталарида Бухоро сарой созанда, хонанда ва бастакорлари ижодий фаолиятида «Шашмақом» шаклланган.

Бу даврда меъморчилик санъатининг бир қанча намуналари яратилди. Умумий хулоса шуки, 16-19-а.нинг 60-й.ларида Бухоро хонлигига ўрта аср бошқарув тизимининг сақланиши, ички ва ташқи урушлар, қўшиннинг заифлиги, диний фанатизмнинг авж олиши, фан ва маданиятдаги турғунлик мамлакатни чуқур инқирозга йўлиқтирди. Бу ҳолатдан фойдаланган подшо Россияси Бухоро хонлигини босиб олди.

Бухоро амирининг филлари



Бухоро амирининг филлари



НОДИРАБЕГИМ (1792 1842)

Нодира – юксак бадиий
истедод сохибаси,
маърифатпарвар узбек
аёлидир. Шоира Андижон
хокими Раҳмонкулибий
оиласида туғилиб, ёшлиги
адабиёт ахли даврасида
кечди. Кукон хони
Норбутабий уғли Амир
Умархон билан оила куради.
Макнуна, Комила
таяллуслари билан шеърлар
ёзган.



ЗЕБУНИСО БЕГИМ (1639 1703)

Зебунисо бегим
Захириддин Мухаммад
Бобурнинг панневараси
Абу Зафар Мухийиддин
Мухаммад Арангзеб
Оламгир кизи. Зебунисо
бегим забардаст шоира,
етук олима, уста танбур
чертувчи ва созанда ва
мохир хаттот булиб вояга
етди.





**Баччалар ракси
(Тошкент 1868 й.)**





Ўзбек миллий
ансамбли чиқиши



518 Виды Туркестана.

За урокомъ гра-





Урганч ноиби Отажон
мулозимлари билан(1858)

Жадидчилик ҳаракатининг намоёндалари

- Муқимий
- Фурқат
- Бердақ
- Абдулла Қодирий
- Чўлпон
- Фитрат
- Беҳбудий
- Мунавварқори

Муқимий (1850-1903 й.й.)



(тахаллуси; асл исми

Муҳаммад Аминхўжа ўғли, шоир ва мутафаккир. Қўқон ва Бухаро мадрасаларида ўқиган. Ижодида ўзбек мумтоз адабиётининг энг яхши анъаналарини ўзлаштириб, Лутфий, Навоий, Фузулий ва бошқа шоирлар анъаналарини давом эттирган. «Навбаҳор», «Танобчилар», «Сайлов», «Дукчи эшон» ва бошқа лирик ҳамда, ҳажвий асарлар муаллифи.

Фурқат (1859-1909 й.й.)



(тажаллуси; асл исми

Зокиржон **Холмуҳаммад** **ўғли**,
маърифатпарвар шоир, мутафаккир,
публицист. Қўқондаги мадрасада
таҳсил кўрган (1873-76); 1891 йилдан
Хиндистон, Араб мамлакатлари,
Туркия, Греция, Болгария бўйлаб
саёҳат қилган. Фуркатнинг
маърифатпарварлик ғоялари ўзбек
адабиёти ривожида салмоқли рол
ўйнади. У 90-йиллардаги ижоди ва
фаолияти билан 19-асрдаги янги ўзбек
маърифатчилик адабиётига асос
солган.

Абдулла Кодирий (1894-1938 й.й.)



(асосий тахаллуси Жулқунбой) ёзувчи. Тошкентдаги Эски мактабда (1904-1906), рус-тузем мактабида (1908-1912), Абулқосим шайх мадрасасида (1916-1917) таълим олган. «Муштум» журнали асосчиларидан (1923-1926). Ижодини 1914 йилдан бошлади. Туркистон халқлари адабиётида проза ва драматургияни яратишга интилди. Кодирий ўз романлари билан ўзбек романчилигига асос солди ва унинг кейинги ривожига муҳим ҳисса қўшди. Романлари («Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён») ва бошқалар.

Мунавварқори (1878 -1931 й.й.)



Абдурашидхонов Мунавварқори сиёsat ва маърифат арбоби. Туркистонда жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири, педагог. Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида таълим олган. 1903 йилдан жадид мактаблари очиб, дарс берган. Шундай мактаблар учун товуш усулида ёзган «Адиби аввал» («Биринчи адиб») алифбе китоби, «Адиби соний» («Иккинчи адиб») ўқиши китоблари бир неча бор нашр қилинган. 1906-1917 йилларда жадид газетадарига мухаррирлик кылган.

Беҳбудий (1874-1919 й.й.)



Маҳмудхўжа Беҳбудий - Туркистонда жадидчилик ҳаракати раҳбарларидан бири, ёзувчи, журналист ва жамоат арбоби. У Самарқандда биринчилардан бўлиб 1904 й. усули жадид мактаб учун дарсликлар ёзган. Самарқанддаги хусусий нашриётида дарсликлардан ташқари «Туркистон, Бухоро ва Хива харитаси»ни босиб чиқарди. Газета ва журналлар нашр этди. 1911 й. Ёзилган «Падаркуш» пьесасида у барчани илм-маърифатли бўлишга чақириш, илмсизлик балосини даф қилишғоясини илгари сурди.

Фитрат (1886 - 1937 й.й.)



(тажаллуси; асли исми
Абдурауф Абдурахим ўғли)
ўзбек олими, шоири, ёзувчи,
драматурги. Профессор (1924.)
Бухородаги Мир Араб
мадрасасида ва Истамбул
университетида ўқиган. 1917-
20 й.ларда «Темур сағанаси»,
«Абдумуслим», «Оғузхон» каби
тарихий мавзуда пьесалар
ёзган. Миллий тил ва
маданият ривожи учун
курашган.

Чўлпон (1897-1938 й.й.)



(тахаллуси; асли исми
Абдулҳамид Сулаймон ўғли).

ўзбек шоири, таржимон, санъатшунос.
Дастлаб эски мактабда, сўнгра
Андижон ва Тошкент мадрасаларида
ўқиган. Кейинчалик рус-тузем
мактабини ҳам тугатган.
Ўзбекистонда маориф ва театр
соҳаларида ишлаган. Адабиёт ва
театр санъатига бағишлиланган қатор
илмий мақолалари билан ўзбек
миллий адабиёти ва театр санъати
ривожига ҳисса қўшган. Горкий,
Лоҳутий, Тагор,
Шекспир

Советлар даврида ўзбек халқи учун энг даҳшатлиси

- миллий, диний, тарихий қадриятлардан жудо бўлганлигида эди. «Ягона совет халқи», «интернационал тил» тўғрисидаги уйдирма назариялар адабиёт ва санъатдаги «шаклан миллий, мазмунан социалистик» асарларнинг яратилиши халқимизни азалий қадриятларидан маҳрум этди.

**ЭТЬИБОРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ!!!!**

